ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 30 (308) 2002 йил 24 июль, чоршанба. Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган. Сотувда эркин нархда

ХАЛҚАРО ХАБАРЛАР

ИНТЕРНЕТ УЧУН ЭҲТИЁТКОРЛИК

Хитой ҳукуматининг қарорига кўра, пойтахт Пекинда 30 та интернет тармоқлари қайтадан очилди. Бироқ бундан буён интернетдан фойдаланиш 18 ёшга тўлмаганларга рухсат этилмайди. Шунингдек, интернетга уланган хоналарда чекиш қатъиян ман қилинган. Чунки эҳтиёткорлик чорасига яхши эътибор берилмаганлиги оқибатида чиққан ёнғин туфайли 25 киши нобуд бўлган ва мамлакатдаги 2500 дан ортиқ интернетга уланган шахобчалар ёпиб қўйилган эди.

ХОТИРА ЎРНИГА БИНОМИ?

АҚШ пойтахтида бўлиб ўтган митинг қатнашчилари ўтган йилнинг сентябридагм воқеалар туфайли вайрон этилган икки осмонўпар бинолар ўрнида қайтадан бинолар тикланишига ўз норозиликларини билдирдилар. Уларнинг сўзларига қараганда бу ернинг ўзига иншоат қуриш ҳалоқ бўлганлар хотирасини оёқ ости қилиш билан баробар. Улар тақдим қилинган олти лойиҳани ҳам рад қилдилар.

С.НИЁЗОВ МАЧИТ ҚУРМОҚЧИ

Би-Би-Си хабарига кўра, Туркманистон президенти С.Ниёзов яқинда мамлакат оқсоқоллари билан бўлган учрашувда бир йўла ўн минг киши намоз ўқийдиган мачит қурилиши ҳақида гапирган. Қурилажак бу мачит ўта муҳташам бўлиб, қимматбаҳо материаллардан бунёд этилади, унинг тўрт бурчагида 80 метрли миноралар тикланади. Лойиҳа француз мутахассислари томонидан тайёрланади.

ҲАМЖАМИЯТ ОРЗУСИДА

Икки юз йилдан ортиқроқ вақтдан бери Швейцария конфедерацияси жаҳон ҳамжамиятига аъзо бўлиб кириш ниятини билдирган. Бу мамлакатда шу йилнинг март ойида ўтказилган референдумда аҳолининг кўпчилиги шунга хоҳиш билдирган. Шарқий Тимор ҳам БМТга киришини билдирган. Агар бу иккала давлатнинг истаклари амалга ошса нейтрал давлат бўлиб фақат Ватикангина қолади.

ҚЎРИҚЧИЛАР АЛМАШТИРИЛДИ

Афғонистон президенти Ҳомид Карзайни бундан буён америкалик аскарлар қўриқлайдиган бўлди. Махсус тайёргарликдан ўтказилган 46 ходим афғонистонлик қўриқчилар ўрнини эгаллайди. Бундан ташқари АҚШ хавфсизлик органлари Афғонистон ҳукуматининг масъул кишиларини қўриқлаш учун яна 240 нафар қўриқчиларни тайёрлашга ёрдам берадилар.

Мамлакатдаги ҳозирги хавотирлик вазият бундай қарорларнинг қабул қилинишига сабаб бўлган. Вице президент Абдул Қодирнинг қотили ҳанузгача топилмаган.

Ўзбекистон мустақилликка эришганлигининг 11 йиллиги олдидан

2-саҳифада

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнгги йилларда вилоятларимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари - қишлоқ ва маҳаллалар фуқаролар йиғинлари фаолияти катта ривожланиш йўлини босиб ўтди. Биз ўз «йўқлов»ларимизда шу ҳақда ҳикоя қиламиз.

Бугунги саҳифамизда Сирдарё вилояти маҳаллалари ҳаёти акс этади.

Гулистон шаҳар Баҳор қишлоқ фуқаролар йиғини қошидаги «Нуронийлар» жамоатчилик маркази раиси Мурод Қўлдошевнинг ўзи 81 ёшда. Аммо у кексалар билан иш олиб бораётганидан мамнун. Суратда у 92 ёшли маҳалладоши Турдиқул бобо Раҳмонқулов билан.

2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили

КЕКСАЛАРГА...

НАМАНГАН

...дон тарқатилди

Айни вақда 74 ёшдаман, Ғурумсаройдаги мактабда кўп йиллар ўқитувчилик қилдим. Мана, бу йил деҳқонларнинг ғайрату шижоати туфайли ғаллазорларимизда ҳосил мўл бўлиб, хирмонлар донга тўлди.

Яқинда ҳосил тўйини ўтказдик. Шу куни ғурумсаройлик қариялар бир даврага жам бўлишди. 270 нафар қарияларга, кам таъминланган оилалар ҳамда ногиронларга янги буғдой ҳосили тарқатилди. Бу хайрли ишнинг бошида турган туманимиз ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Рустамжон Исматуллаев ва хўжалигимиз раҳбари Ғуломжон Ҳайитовлардан жуда миннатдор бўлдик. Биз кексалардан меҳрини, саховатини аямаган бундай кишилар доимо омон бўлишсин. Ҳосилимиз янада мўл бўлсин.

Маҳбуба ҚОСИМОВА.
Поп туманидаги Ғурумсарой қишлоғи.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

...хизмат бепул

Нукус шаҳридаги 20-макон кенгеси (йиғини) ҳудудида қарияларга хизмат кўрсатиш маркази ўз фаолиятини бошлади.

- Мазкур маскан ҳашар йўли билан қурилди, - дейди макон фуқаролар йиғини раиси Мамбетмурод Идрисов. - Бунда асосан макон ҳудудидаги саноат корхоналари, муассаса ва идоралар, айрим фуқароларимиз яқиндан кўмак беришди. Марказдаги тишни даволаш хонаси, сартарошхонада ҳудудимизда истиқомат қилувчи 87 нафар уруш ва меҳнат фахрийларига хизмат кўрсатиш бепул.

Асилбек ИСКАНДАРОВ.

Тошкент шаҳри

...ҳужжат янгиланса

Маълумки, биз кексаларга бугунги кунда эътибор кучайди, ҳар жойда иззатимиз жойига қўйилянти.

Бизга иккинчи жаҳон урушида иштирок этганимиз ва меҳнат фидойиси эканимизни тасдиқловчи ҳужжатлар берилган. Баъзан расмий идораларда иш битираётиб ёки йўл транспортларида юрганимизда ушбу ҳужжатлардан фойдаланишга тўғри келади. Кўп йиллар аввал, яъни шўролар ҳукумати томонидан берилган бу ҳужжатлар кундалик муомала жараёнида ишлатилавериб, эндиликда эскирди. Ундаги ёзувлар, ҳатто исми-шарифимиз ҳам ўқиб бўлмас даражага етди. Мутасадди ташкилот ва идоралар кўмагида ушбу ҳужжатларимиз мустақил юртимиз тимсоллари билан янгилаб берилса бўлмасмикин?!

Чингиз МАХСУМОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси.

ШЕРОБОДДАГИ ТАЖРИБА АЛМАШУВ

Кўпни кўрган кексалар тажрибаси, ўгити ҳамиша қиммат-ли ва фойдалидир. Агар бу тажриба умумлаштирилган, жамланган ҳолда кўпчиликнинг манфаати учун хизмат қила бошласа, ундан қутилган натижа янада баландроқ бўлади.

«Нуроний» жамғармаси Сурхондарё вилоят кенгаши шуни назарда тутган ҳолда Шеробод туманида кўчма йиғилиш-тажриба алмашув ўтказди. Унда жамғармаларнинг туманлардаги бўлинмалари раислари, раис муовинлари, жамоатчилик марказлари раислари, маҳалла оқсоқоллари иштирок этишди.

Йиғилишда «Нуроний» жамғармаси вилоят кенгаши раиси Орзуқул Соатов қарияларни қадрлаш йилида давлат дастурининг бажарилиши ва бундан кейинги вазифалар хусусида маъруза қилди. Шеробод тумани ҳокими Саидмурод Жўраев туманда қарияларни қадрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида йиғилганларга гапириб берди. Шундан сўнг жамғарманинг Музробод туман бўлинмаси раиси Одинақул Бозоров, Қизириқ туман бўлинмаси раиси Қарши Чориев, Денов бўлинмаси раиси муовини Абдужалил Қосимов, «Минорсайёх» уюшмаси вакили Холназар Менглиев, вилоят жамғармасининг етакчи маслаҳатчиси Холмурод Жўраев, шерободлик - жамоатчилик маркази раиси Парда Муҳаммадиевлар ушбу йилда қариялар учун кўрсатилаётган мурувват, ғамхўрлик ҳақида йиғилганларни воқиф этишди.

Тажриба алмашув ниҳоясидаги бир пиёла чой устидаги гурунг эса янада мароқли бўлди.

Қариялар жамулжам бўлиб туман ҳудудида жойлашган машҳур муҳаддис Имом Абу Исо ат-Термизий мақбарасини бориб зиёрат қилишди.

Маҳмуд АБУЛФАЙЗ,
«Mahalla» мухбири.

Сурхондарё вилояти.

Тизимда янгилик

ЖАМОАТ НАЗОРАТИ

Уни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари амалга оширмоқда

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ўз маърузаларида жамиятимиз равнақида шубҳасиз фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўрни беқиёс эканлигини кўп марта эътироф этар эканлар, бу органларнинг, хусусан, қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинларининг назорат ўрнатиши энг мақбул йўл эканлигини ҳам таъкидлаган эдилар.

- Ана шу йўл-йўриқларга асосланиб, - дейди Фарғона вилояти оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Толибжон Ҳафизов, - вилоятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали жамоат назоратини ташкил этиш бўйича вилоят ҳокимлиги раҳбарлигида вилоят прокуратураси, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлинмаси кўпгина бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида тадбирлар ишлаб чиқди. Вилоят прокуратураси ташаббуси билан бу борада 29 та йўналишдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали жамоат назоратини ташкил қилиш йўллари ифодаланган махсус дастурлар ишлаб чиқди ва китобча шаклида чоп этилиб, ижрочи яъни қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинига тақдим этилди.

Энг муҳими, бу дастурлар асосида қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари бу йўналишдаги ўз фаолиятларини бошладилар.

Ёзёвон тумани ҳудудида 11 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари бор. Улар томонидан жамоатчилик назорати тартибида туманда 2001 ва 2002 йилнинг 6 ойи давомида ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз пенсионерларнинг шахсий мулклари ҳуқуқи асосида тегишли бўлган уй-жойлар ва бошқа мулкларига бошқа шахслар томонидан ғайриқонуний равишда дахл қилиш ҳолатлари мавжудлиги, шунингдек ёлғиз пенсионерларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бошқача тарзда камситилишига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Ёзёвон қишлоқ фуқаролар йиғини (раиси Ғаниев Алижон) томонидан жамоатчилик назорати тартибида қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Болаликдан ногиронларга, қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш тўғрисида»ги Қарори ижросини туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан қандай бажарилаётганлиги ўрганиб чиқилди ва бу ўринда баъзи бир қонунбузилишлар аниқланди.

Масалан, ҳудудда яшовчилар орасида ногиронлар сифатида нафақа олганлардан баъзиларига нафақа олиш муддати тугаганига қарамасдан ногиронлик нафақаси тўлаб келинган. Ҳолбуки, улар қайтадан тиббий кўрикдан ўтиб, ногиронлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилгачгина уларга нафақа тўланиши қонуний ҳол ҳисобланар эди. Бу ўринда туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан «Фуқароларнинг Давлат пенсияси таъминоти тўғрисида»ги Қонун талаблари бузилган деб ҳисобланади.

Мазкур назорат текширувлари натижасида Ёзёвон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси туман прокуратурасига маълумотлар тақдим этгач, қонунсиз равишда нафақа олиб келган фуқароларга нисбатан 2 та жиноий иш қўзғатилди.

Шунингдек, Ёзёвон тумани ҳудудида фаолият кўрсатаётган қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари раҳбарлигидаги комиссиялар томонидан жамоатчилик назорати тартибида туман ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз қарияларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қарори ижроси кўрилганда ҳам баъзи бир камчиликлар эътироф этилди.

Ушбу юқорида баён қилинган ҳолатлар юзасидан Ёзёвон тумани ҳудудида фаолият кўрсатаётган 11 та қишлоқ фуқаролар йиғини раислари томонидан булар ҳақида тузилган ва туман прокуратурасига тақдим қилинган маълумотномаларга асосан, аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан Ёзёвон туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи номига тақдимнома киритилди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ.

ЯҚИН ЎТМИШ ЭКРАНЛАШТИРИЛДИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон халқ. ёзувчиси Шукруллонинг «Кафансиз кўмилганлар» асари асосида «Ўзбектелефильм» студияси томонидан суратга олинган «Туҳмат» бадиий фильмининг тақдимоти бўлиб ўтди.

- Романда ўтган асрнинг эллигинчи йилларида бўлиб ўтган қатағон йиллари ҳақида ҳикоя қилинади, - деди республика «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси раиси Наим Каримов.

Фильм томошабинларнинг ижобий баҳосини олди. Халқимиз зиёлилари учун мудҳиш кечган йиллардан ҳикоя қилувчи асар қаҳрамони муаллифнинг ўзи.

Тақдимотда фильм режиссёри Санжар Бобоев ва бош ролларда иштирок этган артистлар, жамоатчилик вакиллари сўзга чиқишди. Қарияларни қадрлаш йилида бундай хайрли ишга қўл урилганлигини қўллаб-қувватлашди.

«Туркистон- пресс»

КЎРИНГ:

«Менинг маҳаллам» телевизион шоусининг Тошкент телеканали орқали дастлабки сони намойиш этилганига унча

«МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ»НИНГ ЯНГИСИ

кўп муддат бўлгани йўқ. Лекин шу қисқа вақт ичида бу кўрсатув томошабинлар қалбига йўл топиб, ўзининг мухлисларига эга бўлди. Ушбу кўрсатув доирасида 24 июль куни кеч соат 19.00 да пойтахтдаги Миллий истироҳат боғида Тошкент шаҳар Юнусобод туманининг Мирзо Улуғбек ва Фирдавсий маҳаллалари беллашадилар. Ойнаи жаҳон орқали эса ушбу шоу Тошкент телеканалининг 28 июль якшанба дастурида, соат 21.20 да намойиш этилади.

Шунингдек, кўрсатув муаллифлари «Менинг маҳаллам» теле-шоусини нафақат пойтахт маҳаллалари, балки вилоятдаги, чекка туманлардаги маҳаллалараро ҳам ташкиллаштирмоқчи эканликларини маълум қилдилар.

НАҚД ПУЛ ТАЪМИНОТИДА УЗИЛИШЛАР

Пахтакор туманидаги қариялар ундан азият чекишмоқда

«Жиззах почтаси» ҳиссадорлик жамияти Пахтаобод туман филиали раҳбари томонидан Жиззах вилоят Марказий Банк, вилоят «Пахта-Банк», туман «Пахта-Банк» раҳбарлари номига қуйидаги мазмунда хат келди:

«Алоқа боғланмасининг ҳисоб-рақамида пул бўлишига қарамасдан «Пахта-Банк» туман бўлимида нақд пул бўлмаётгани туфайли шу йил 1 май ҳолатига алимент, ёш болали оилаларга суюнчи пули, пенсия пуллари баъзи ўринларда ўз вақтида берилмаяпти. Оқибатда мижозлар томонидан ариза ва шикоятлар кўпаймоқда».

Ҳа, тумандаги 4300 нафар нафақахўрга хизмат кўрсатадиган Пахтакор тумани почта алоқа бўлими нақд пул таъминотидаги узилишлар туфайли турли тўловлар, жумладан, пенсия пулларини ўз вақтида тўлай олмасдан мижозлар олдида юзлари шувит бўлиб қолаётир.

Нақд пул таъминотида туман «Пахта-Банк»ининг бундай узилишларга йўл қўйиб келаётгани яхши эмас албатта. Туман пул-кредит сиёсати комиссияси фаолияти билан таниша олмасакда, унинг ишидаги масъулиятсизлиги нақд пул таъминотидаги узилишларда яққол акс этиб турибди.

Абдуманнап АЗИМОВ.

Шу сонинг

2-САҲИФАСИДА

* Гулистоннинг гулистонга айланаётган маҳаллалари
* Оқсоқолнинг ҳозиржавоблиги ишини яхши билишидан!
* «Футболимиз келажаги»да муҳими - ғалаба!

3-САҲИФАСИДА

* Ҳадисларга амал қилишдан олдин уларни фарқлай билиш керак!
* Хўрликнинг интиҳоси исён(ми)!?
* От ўрнини той босгани рост бўлибди.

4-САҲИФАСИДА

* Яхшилик қилишни барча хоҳлайди... агар имконини топса!
* Эсмеральдасиз зерикиб қоламизми?
* Мунажжимнинг ҳар кимга «атагани» бор экан...

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Тахририят манзили:
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

2002 йил 24 июль
№30 (308).

Ўзбекистон мустақилликка эришганлигининг 11 йиллиги олдидан

Аслида илгарилаш - том маънодаги тушунча. Урф-одатлар, маънавий қадриятлар, инсоний фазилатлар, иқтисодий ислоҳотлар ва орзу-умидлардаги илгарилашнинг ҳаммаси маънавий камолотга, ижтимоий тараққиётга хизмат қилади. Истиқлол бизга ҳар соҳада илгарига юриш имкониятини берди. Бу эса айниқса одамларимиз, маҳаллаларимиз ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Эндиликда ҳар маҳаллада янги-янги бунёдкорлик ишларининг амалга оширилаётганининг гувоҳи бўласиз. Кишиларимиз эса бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан чиройлироқ яшасак, дея орзуланадилар. Шу орзу-ҳавас йўлида ўзларидаги жамики куч ва имконлардан фойдаланишади. Биз сирдарёлик одамлар даврасига кириб борганимизда ҳам бунга амин бўлдик.

«СИРДАРЁНИНГ БЎЙИДАГИ МАҲАЛЛАМ»

Эндиликда гулистонликларнинг яшаш тарзи, кўча ва иморатлари, уй-ҳовлиларининг ички-ташқи кўриниши, тўй-томошалари, таомил ва удумлари, кексаю ёшнинг юз қиёфаси, кайфияти ва феъл-атворидаги ҳар бир яхшиликлар шу халқ маданиятидан дарак беради. Шаҳардаги бир-биридан чиройли муҳташам биноларни кўриб кўзимиз қувонди. Сирдарё Биржа Маркази, Гулистон улгуржи бозори, Бизнес Маркази, «Алпомиш» спорт мажмуаси, Ёшларнинг дам олиш Мажмуи, Банк биноси... Ўзига хос услубда қурилган бу сингари кўплаб замонавий бинолар Гулистоннинг кўркига кўрк қўшиб турибди.

Маданий илгарилаш бу кун ижтимоий заруратга айланиб қолди. Бу эса жамиятимизнинг янада гуллаб-яшнашидан далолат. Шундай экан, Гулистондаги маҳаллалар ҳаётида бу нарса ўз аксини топмоқдами? Уларда қандай эзгу юмушлар амалга оширилмоқда? Биз йўл-йўлакай ана шулар билан қизиқдик.

Вилоят оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси Сирдарё вилояти бўлими раиси Абдурауф Абдураҳмонов суҳбатидан:

- Бугун маҳалла чинакам демократия дарсхонасига айланди. Муҳтарам Президентимиз маҳаллалар олдига катта вазифаларни қўйди. Бу вазифаларни адо этиш баробарида маҳалла аҳлининг ички имкону иқтидори кўзга ташланмоқда. Азал-азалдан ҳунарманд халқмиз, ахир. Эндиликда, боболару момоларнинг унутилган ҳунарлари тикланди, натижада хонадонларга ризқу барака қайтди. Кишиларимиз ўз кучига ишониб яшайдиган замон келди. Мана, маҳаллаларимизда чойхоналар, хусусий дўконлар ва шунга ўхшаш янги-янги бинолар қад кўтармоқда. Тадбиркорлар сероб, бойлар кўп. Президентимиз «Бой-бадавлат яшовчилар қанчалик кўпайса, мамлакат ҳам шунчалик қудратли бўла бошлайди» деган эдилар. Бу кун Гулистон шаҳридаги маҳаллалар турмуш тарзида юртбошимизнинг ана шу сўзлари ўз исботини топмоқда.

«Маънавият ва маърифат Маркази»нинг вилоят бўлими раҳбари Солижон ҚУДРАТОВ суҳбатидан:

- Биласизми, хусусий мулкдорлар тобора кўпаяётгани яхши, албатта. Бироқ, улар фақат шахсий манфаатларини кўзлаб қолмасдан, балки ўзлари яшаётган маҳалла, юрт манфаатларини ҳам ўйлаб яшашса, қанчалар соз! Бунинг учун кишиларимизга, айниқса ёшларга ижобий таъсир ўтказа оладиган маънавий-маърифий ўқувларни ташкил этмоқ зарур бўлади. Чунки, маҳалла аҳли қачонки ягона мақсад йўлида жипслашиб ҳаракат қилсагина, улуғ бунёдкорлик ишларини амалга ошириш мумкин. Масалан, маҳаллада яшовчи биргина тадбиркор ҳам ўзининг оиласини, ҳам маҳалласини ўйлаб иш қилса, шу орзу-хаёллар билан бойлигига бойлик қўшса, доимо умумжамоа манфаатларига хизмат қилса, у бу инни билан кўпчиликка намуна бўлади. Бундай тадбиркорни қўллаб-қувватловчилар ва унинг сафдошлари кўпаяди.

Гулистон шаҳридаги 27-Меҳрибонлик уйи директори Светлана Давлатовани кўпинча ана шундай ҳолатда - тарбияланувчилар даврасида учратиш мумкин.

УЛУҒОБОДДА ИШСИЗЛАР ЙЎҚ!

Баъзи бир жойларга қўйилган номларнинг ҳам ўз тарихи бор. Айниқса, жуда кўп маҳаллаларимиз миллатимизнинг фидойи кишилари номига қўйилган. Улуғобод деган ном ҳам улуғ бир ўтмишдошимизнинг муборак исми билан боғлиқ бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Ҳар ҳолда бу ерликларни улуғлар руҳи доимо қўллаб турганлиги рост бўлса керак...

- Бизда ишсизлик муаммоси йўқ, - дейди Улуғобод қишлоқ фуқаролик йиғини котиби Холбек Эгамбердиев. - Кўпчилик ёшларимиз тадбиркорлик билан шуғулланишади. Маиший шахобчалар барча маҳаллаларда фаолият кўрсатади. Уларнинг эгалари ҳам ёшлардир. Бундан ташқари, каттагина парандачилик хўжалиги ҳудудимизда жойлашган. Жуда кўпчилик киши ана шу соҳа иши билан банд. Шаҳар Меҳнат биржаси мутахассислари билан яқин алоқа ўрнатганмиз. Мактабни битириб ўқишга киролмай қолган ёшларни дарҳол ҳунар ўргатувчи курсларга жойлаштириш ҳаракатида бўламиз. Компьютер ўргатувчи курсларни битирган ёшлар меҳнат биржаси кафолати орқали турли идораларга ишга жойлаштирилади. Ўсмир ёшидан тортиб балоғатга етган ҳар бир йигит-қиз маҳалла фуқаролар йиғини фаолларининг қатъий назоратида туради.

Уч мингдан ортиқ киши истиқомат қилаётган Улуғобод қўрғони маҳаллаларида қариялар кўнглини олиш билан боғлиқ тадбирлар ҳам тез-тез ўтказилмоқда. Яқинда бўлиб ўтган худди шундай йиғинда 50 га яқин отахону онахонлар меҳнатлари эътироф этилиб, уларга совға-саломлар тарқатилди.

ЎРМОНОВНИНГ ФАЗИЛАТИ ШУКИ...

Шаҳардаги Баҳор қишлоқ фуқаролар йиғини - Мусофиробод, Баҳор ва Охунбобоев номли маҳаллалардан таркиб топган. 7 мингдан ошиқ аҳоли истиқомат қилаётган бу фуқаролар йиғининг раиси Ҳасан Ўрмоновдан нима ҳақда сўраманг, билганини шунчаки айтиб қўя қолмайди. Аксинча, сиз қизиқаётган нарсанинг тарихи, изоҳи ва қолаверса унга боғлиқ ривоятлар билан қўшиб, тўла-тўкис маълумот беради. Аслида бу ҳам бир фазилат.

- Узоқ йиллар мактабда она тили ва адабиёт фани бўйича дарс берганман, - дейди у биз билан суҳбатда. - Мана, тўрт йилдирки, оқсоқол сифатида фаолият юритяпман. Очиғини айтсам, оқсоқоллик ўқитувчиликдан қийинроқ экан. Ҳар куни, ҳар лаҳза сергак ва хушёр, масъулиятли бўлмоқ керак. Бу ерда мактабдагидек дам олиш кунлари йўқ, ҳатто уйда ўтириб ҳам маҳалла юмуши хаёлингни банд қилиб туради. Нечоғли қийин бўлмасин, маҳалла ҳаёти завқли.

Ҳасан Ўрмонов билан суҳбатимиз давомида маълум бўлдики, маҳаллаларда кенг қамровли ишлар амалга ошириляпти. 2 та маҳаллада гузар қурилиши ниҳояланмоқда. 10 дан ошиқ хусусий дўконлар фаолият юритади. Фуқаролар йиғини ҳудудида 3 та мактаб, 3 та болалар боғчаси ва 3 та қишлоқ врачлик амбулаторийси мавжуд.

Маҳаллаларда киши ҳаваc қилгулик оилалар кўп экан. Камоллиддин Зиёев хонадони ана шундайларнинг бири. Бу хонадон «Ибратли оила» кўрик-танловида ғолиб чиқди. Айни вақтда «Ибратли келинчак» кўрик-танлови ҳам ўтказиляпти. Бундан иккі йил аввал Ҳасан Ўрмонов «Энг ибратли оқсоқол» кўрик-танловида қатнашиб, вилоятда ғолиб деб топилган.

- Ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз, - дейди раис. - «Баҳор» футбол жамоамиз бор. Асосан 15-16 ёшли ўсмирлардан иборат бу жамоа ҳар йилги футбол мусобақаларида қатнашиб, совринли ўринларни забт этишади. Спортнинг бошқа турлари бўйича ёшлар ўртасида тез-тез танловлар ўтказиб борилади. Охунбобоев номли маҳаллада яшовчи Низом Шойимов бокс бўйича республика чемпиони бўлган. Ҳозирда маҳалла ёшлари билан шуғулланмоқда. 13-мактабнинг ёш шахматчилари ҳам бу борадаги беллашувларда доимо иштирок этадилар. Ёшлар меҳнаткаш, кучли ва иродали бўлмоқликни бобо-бувиларидан ўрганадилар. Маҳалламизда барчага ўрнак бўлгулик табаррук ёшли кексаларимиз анчагина! «Нуроний» жамоатчилик маркази раиси Мурод Қўлдошев, Охунбобоев номли маҳаллада яшовчи Турдиқул Раҳмонқулов ва бошқа кўплаб кексаларимиз ҳаёти ёшларга ўрнак бўлгуликдир. Мақсадимиз - маҳалла аҳлининг турмуш фаровонлигини янада ошириш, тарбиявий ишларни йўлга қўйиш орқали маҳалла осойишталигига эришиш, бу борада маҳалла фаоллари, участка нозирлари, педагог тарбиячилари, хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари масъулиятини таъминлашдир.

Гулистон хотира майдонидаги оталар чойхонаси

«Эртаклар шаҳарчаси»да

Бу ерда мактабдагидек дам олиш кунлари йўқ, ҳатто уйда ўтириб ҳам маҳалла юмуши хаёлингни банд қилиб туради. Нечоғли қийин бўлмасин, маҳалла ҳаёти завқли.

Ҳасан Ўрмонов билан суҳбатимиз давомида маълум бўлдики, маҳаллаларда кенг қамровли ишлар амалга ошириляпти. 2 та маҳаллада гузар қурилиши ниҳояланмоқда. 10 дан ошиқ хусусий дўконлар фаолият юритади. Фуқаролар йиғини ҳудудида 3 та мактаб, 3 та болалар боғчаси ва 3 та қишлоқ врачлик амбулаторийси мавжуд.

Маҳаллаларда киши ҳам бирор тарихи бўлса керак-да. Бежизга тўқиб чиқарилмагандир?!

Турдиқул бобо Раҳмонқулов ўзи яшаётган маҳаллага қирқ йилча вақт оқсоқоллик қилганлар. Шу ерликларнинг ҳар яхши-ёмон кунларида уларни қўллаб-қувватлаган, йўл-йўриқ кўрсатиб, кўмак берган. «Ҳаётнинг чин мазмуни тўғри яшаш-да!» дейди бобо. Ўзи ҳам умри давомида шунга амал қилди. Эндиликда эл-юртга яқин набираю абиралар ардоғида, уларнинг бахтини тилаб яшаяпти.

Баъзан ўйлаб қоласан, киши. Турдиқул бобо сингари кексаларнинг тўқсондан ошганларида ҳам тетик, бақувват ва ақли тийрак бўлишларига сабаб нима? Узоқ умр кўрмоқ учун нима қилиш лозим?

- Дадам ҳамиша хушчақчақ бўлганлар, - дейди бобонинг 63 ёшли қизлари Санобар ая. - Биз тўққиз нафар фарзандларига бирор марта қаттиқ сўзламаганлар. Ҳар бир оилавий муаммони ҳам жанжалсиз ҳал этардилар. Раҳматли онамга жуда меҳрибон бўлганлар. Эсимни танибманки, дадамнинг бир жойда тин олиб ўтирганларини билмайман. Ҳали ер чопган, ҳали кўчат эккан, ҳали ямоқчилик қилган... Кўп йиллар бригадирликда, сўнгра маҳалла оқсоқоллигида ишладилар. Қўлларидан ҳеч вақт газета тушмайди, шу ёшларида ҳам кўзойнаксиз ўқийдилар.

ЭРТАКЛАР ШАҲАРЧАСИ ЭКАН...

Тасаввур қилинг, сиз «Эртаклар шаҳарчаси»га йўл олдингиз. Рўпарангизда «Минг бир кеча», «Маликаи Ҳуснобод», «Сеҳрланган аждар» эртаклари қаҳрамонлари аллақандай ҳаракатлар билан банд. Кутилмаганда ўрмон айиғи қаршингиздан чиқиб қолади ёки бошқа бир бадбашара эртак қаҳрамони сизга нимадир деб пичирлаётгандай бўлади. Қоронғу, узун йўлакда дўзахий манзаралар акс этиб, сизни хушёр торттирса, эртак қаҳрамонларининг хушчақчақ чеҳраларию ғоят кулгули ҳатти-ҳаракатлари завқингизни келтиради.

- Бу ғаройиб ҳаракатларнинг ҳаммаси аслида битта мурват билан бошқарилади, - дейди шаҳардаги «Оналар ва болалар» истироҳат боғи директори Усмон Куртасмонов. - Биз қадимги урф-одатларимизни замонавий кўринишда ифодалашга уриндик, «Эртаклар шаҳарчаси»ни қуришда шу нарса бизга асос бўлди. Пойтахтимиздаги Улуғбек номли истироҳат боғи билан рақобатдошмиз. Фақат, бизда дарахтлар кам. Қанийди, шундай чиройли боғимизда қуюқ соя бериб турадиган дарахтлар кўп бўлса! Ушбу йилнинг баҳорида минглаб туп манзарали дарахт кўчатлари ўтказгандик, соя бериб қолган ёш кўчатларимиз ҳам кўп эди, бироқ май ойида нақ ёнғоқдек келадиган дўл ёғиб, эндигина қад кўтара бошлаган ниҳолларга азият етказди. Турли ёшдагилар келиб истироҳат боғимизда кўнгил ёзиб ҳордиқ чиқарадилар. Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган ёки ногирон бўлган болалар учун бу ердаги томошалар бепул. Ободончилик ишларини амалга ошириб, истироҳат боғининг янада кўркам бўлишини таъминлашда бизга маҳаллалар жонкуярлари яқиндан кўмаклашишяпти. Биз бундан хурсандмиз.

ДИЙДОР ҒАНИМАТДИР...

- Биз кексаларнинг сафи кун сайин озаймоқда, - дейди «Нуроний» жамоатчилик маркази раиси, Баҳор маҳалласида яшовчи 81 ёшли Мурод Қўлдошев. - Борларимизни ҳам бир жойга жам этиб, суҳбатимизни уюштириб туришса маъқул бўларди. Ахир кексалар гўдакликдек гап. Бу вақтда кўнгил жуда нозик бўларкан. Агар биз кексалар бир-биримизни тез-тез кўриб, суҳбат қуриб, турмуш ҳодисаларини хотирлаб турсак, ўзимизни янада бардам ҳис қиламмидик...

Отахоннинг айтишича, кейинги йилларда маҳаллаларда кўплаб гузар ва чойхоналар қуриляпти. Кексалар манфаатини ўйлаб қилинаётган бу хайрли ишлардан табаррук ёшдаги отахону онахонлар мамнун. Шаҳар марказида қад кўтарган «Гулистон» чойхонаси энг замонавий услубда жиҳозланган. Маҳаллаларда ҳам чойхоналар барпо этиш эндиликда одатга айланди.

Бўстон маҳалла фуқаролар йиғини қошида «Намуна» чойхонаси қуриб битказилган. Бу жой кексаларнинг дам олиб, ҳордиқ чиқаришлари учун қулай қилиб жиҳозланган. Эндиликда чойхонада тўй-маъракалар, турли йиғин ва тадбирларни ҳам ўтказиш режалаштирилмоқда. Шу мақсадда чойхона қўли гул усталар томонидан қайта таъмирланмоқда. Чойхона эгаси Баҳодир Маматқулов маҳалла аҳлига хизмат кўрсатувчи бу масканнинг имтиёз ва имкониятлари хусусида бизга сўзлаб берди.

- Кексалар дийдорлашишса, ҳаётий ҳақиқатларни ёш авлодга сўзлаб беришса, чойхонамиз маънавий-маърифий тарбия масканига айланса, деб орзу қиламиз, - дейди у.

ФИДОЙИЛАР ЯНАДА КЎПАЙСИН

(шундагина маҳаллалар гўзал, кўркам бўлаверади)

Биз гувоҳи бўлган ҳамма яхшиликлар аслида маҳаллалар равнақига қўшилаётган ҳиссадир. Қолаверса, бу яхшиликлар ортида чинакам фидойи инсонларнинг ғайрати, меҳнати ва ташаббуси ётибди. Демакки, маҳалла бугунги замон талабларига жавоб бера оладиган тарзда ибратли бўлмоғи учун фидойилар сафи янада кенгайиши лозим!

Маҳалла келгусида ҳақиқий демократия дарсхонасига айланади!

Ўзини, сўзини, ишини шу улкан мақсадга мослаб ва ростлаб яшаётган гулистонликлар ҳузуридан қайтарканмиз, аниқ белгиланган йўлдан дадил одимлайверишларида уларга кучқувват тиладик.

Ч.ЛАТИПОВ,
Г.ЖАМИЛОВА.

ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ

(бу гап бежизга айтилмаган, дейди 92 ёшли Турдиқул бобо)

Бу ерликларнинг айтишларича, бобо ҳаёт илмини чуқур билади. «Бошга иш тушганда сабр қилинг, ўтган ҳар кунингизга шукрли бўлинг» дейди у. Ён-атрофдагилар баъзан бирор иш бошлаётиб, табаррук ёшли бобонинг ҳузурига келади. «Дуо беринг, бобо» дейишади. «Кўп яхшиликларимизга шу бобонинг дуоси сабаб бўлган» дегувчилар ҳам бор...

Ахир, дуода хосият кўп. Олтин олма, дуо ол, деганлар. Нега? Ҳарҳолда шу нақлнинг ҳам бирор тарихи бўлса керак-да. Бежизга тўқиб чиқарилмагандир?!

«Оқсоқолда маҳалла ҳаётига масъуллик ҳисси бўлмоғи шарт!»-дейди Баҳор қишлоқ фуқоралар йиғини раиси Ҳасан ЎРМОНОВ

«MAHALLA»нинг вилоят йўқлови

БАҲОР ҒОЛИБ

Гулистонда «Футболимиз келажаги»

Мана, бир неча йилдирки кўпчилик ўқувчи ўсмирларимиз ёзги таътилни қизқарли футбол мусобақаларию, мухлисларнинг олқишлари оғушида ўтказмоқдалар. Сабаби, бир неча йилдан бери Ўзбекистон республикаси Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан ўқувчиларнинг ёзги таътил ойларида ўсмирлар ўртасида футбол турнири ўтказилиб келинмоқда. Бу йилги - юртимиз мустақиллигининг 11 йиллигига ҳамда Ўзбекистон футболининг 90 йиллик санасига бағишланган «Футболимиз келажаги» турнири ҳам нафақат ёш футболчиларимизда, балки биз катталарга ҳам унутилмас таассурот қолдирмоқда.

20 июль куни Гулистон шаҳридаги «Гулистон» ўйингоҳида «Футболимиз келажаги» турнирининг 15-16 ёшли ўсмирлар ўртасида Сирдарё вилояти биринчилиги учун ярим финал ва финал босқичи ўйинлари бўлиб ўтди. Шу куни ҳатто ёз чилласи ҳам мусобақа иштирокчиларига бироз ён босгандек бўлди - қуёшнинг тафти ҳар кунгидан пастроқ, стадион узра енгил шабада эсиб турарди.

Биринчи бўлиб майдонга Гулистон шаҳрининг Баҳор маҳалласи футболчилари Боёвут туманининг Боёвут ширкат хўжалиги 1-Боёвут маҳалласи командасига қарши майдонга тушди. Ҳисоб 2:0, баҳорликлар фойдасига ҳал бўлди. Сўнгра Гулистон туманининг Уч қаҳрамон жамоа хўжалигидаги Шербек Эшонқулов номли маҳалланинг ва Янгиер шаҳридаги Шодлик маҳалласининг ёш футболчилари ўзаро куч синашдилар. Бу баҳсда 2:1 ҳисоби билан ғолиб бўлган Шербек Эшонқулов номли маҳалла командаси финалда иштирок этадиган бўлди. Шундай қилиб, вилоят ғолиблиги учун баҳс Гулистон шаҳрининг Баҳор ва Гулистон туманининг Шербек Эшонқулов номли маҳалла ёш футболчилари ўртасида давом этди. Табиийки, бу ўйин жуда қизиқарли ва кескин бўлди. Ёш футболчиларнинг бутун куч-ғайратларини сарфлаб, катта иштиёқ билан ўйнаётганлари шундоққина сезилиб турарди. Спортда кўп ишлатиладиган «Муҳими ғалаба эмас, муҳими - иштирок этиш» деган ибора бор. Ушбу ўйинга нисбатан эса худди шу иборанинг аксини ишлатиш ўринли бўларди: ҳар икки командa ёш футболчилари «Муҳими - ғалаба қилиш» деган кайфиятда эканликлари ўйиннинг биринчи дақиқасидан сўнгги дақиқасигача сезилиб турди. Кўпчилик мусобақаларда, айниқса, болалар футболида кетма-кет иккита гол урилганда, ютқизаётган команда ўйинчилари тушкунликка тушиб ёки «Барибир ютқизамиз-да» деган ўй биланми ўйинни сустлаштириб юборишади. Таъкидлаш жоизки, Баҳор маҳалласи жамоасининг рақиб дарвозасига кетма-кет киритган иккита голидан кейин ҳам Шербек Эшонқулов номли маҳалла командаси ўйинчилари ўйинни сусайтирмасдан, қизғин давом эттиришди. Ўйин 4:0 ҳисоб билан, Баҳор маҳалласи футболчиларининг ғалабаси билан якунланди. Шундай қилиб, Гулистон шаҳрининг Баҳор маҳалласи командаси 15-16 ёшли ўсмирлар ичида футбол бўйича Сирдарё вилояти ғолиби бўлди. Олдинда яна ҳам жиддий, яна ҳам шиддатлироқ баҳслар - «Футболимиз келажаги» турнири кубоги учун бўладиган республика мусобақалари турибди. Ушбу команда кейинги мусобақаларда қандай кўрсаткичга эришишидан қатъий назар, бугун футбол турнирида қатнашаётган Сирдарё маҳаллаларининг кичик фуқаролари - ёш футболчиларининг ушбу тадбирга нистабан катта қизиқиш ва катталарга хос масъулият билан ёндошаётганлари ҳар қандай таҳсинга лойиқдир. Шунингдек, бу тадбирнинг муваффақияти учун ҳар бир маҳалла оқсоқолидан тортиб туман, вилоят миқёсидаги спорт мутахассислари ва мутассадиларининг ғайрат-шижоатлари, масъулиятли ёндошувлари керак бўлади, албатта. Шу ўринда Сирдарё вилояти оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси бўлими раиси Абдурауф АБДУРАҲМОНОВнинг қуйидаги фикрлари жуда ўринлидир:

Ғолиб Баҳор маҳалласи футбол жамоаси қимматбаҳо ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

- Аслида маҳалла болаларининг бу ўйинга меҳри азалдан бўлакча. Эслайсизми, яқин-яқингача, ҳали бу каби турнирлар ташкил этилмасдан олдин маҳалла болалари кўчанинг икки четига тош қўйиб, шох-шаббалардан дарвоза ясаб ҳам футбол ўйнашарди. Ҳатто икки болага тўп бер-сангиз, дарвоза «ясаб», бир-бирига гол ура бошларди. Ҳозир ҳам шундай, болаларимизнинг футболга бўлган ишқибозлиги заррача сўнмаган. Лекин энди уларга бўлган эътибор бўлакча. Мана, кенг, шинам, қулайликларга эга стадион, бир хилда махсус спорт кийими, кўнглига сиққанча ўйнасин. Шундай катта тадбир - республика миқёсидаги турнир болаларимизнинг, футболимизнинг келажагини кўзлаб ўтказилмоқда. Улар учун барча шароитни яратиб бериш бизнинг бурчимиздир.

Шу куни ғолиб команда қаторида Баҳор маҳалласи оқсоқоли Ҳасан Ўрмоновга ҳам вилоят ҳокимлиги ва спорт қўмитасининг мусобақанинг ўтказилишида энг жонкуяр, фаол бўлган оқсоқол учун белгиланган алоҳида совринни топширилди.

Мавлуда ҚОСИМОВА,
«Mahalla» мухбири.

Суратлар муаллифи Бурхон РИЗОҚУЛОВ

«Ҳидоят» гулшанидан

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ойлик диний-ижтимоий, илмий-адабий нашри бўлмиш «Ҳидоят» журнали ўз мавзулари билан муштарийлар кўнглига тушаётган маъқул нашрлардандир. Журналнинг диний мавзудаги, шу билан бир қаторда моҳиятан ижтимоий самарадорликка қаратилган мавзулари унинг шундай оммабоплигини таъминламоқда. Биз муштарийларни унинг ҳар бир сони билан батафсилроқ танишиб, сўнг уни албатта олиб ўқишларига даъват этган ҳолда журналнинг 3- ва 4-сонларидаги бир мақоладан парча эълон қиламиз.

Доктор Соффат САНЖОҚ

Заиф ва уйдирма ҳадислар

ва уларни саҳиҳ ҳадислардан фарқлаш масаласи

Ҳозирги кунда энг кўп тарқалган ачинарли одатлардан бири заиф ва мавзуъ (уйдирма) ҳадисларни саҳиҳ ҳадисдек тақдим қилишдир. Хусусан, маъруза, суҳбат ва анжуманларда заиф ва уйдирилган ҳадислар келтирилмоқда.

ЗАИФ ҲАДИСЛАР— УЛАРГА АМАЛ ҚИЛИШ МАСАЛАСИ

Заиф ҳадисларнинг нима эканини тўғри тушуниб олишимиз учун, аввало саҳиҳ ҳадиснинг илмий таърифини билишимиз лозим.

Саҳиҳ ҳадис адолат ва забт шартларига эга бўлган ровийларнинг узлуксиз санад билан, шозз ва иллатдан узоқ ўлароқ ривоят қилган ҳадисларидир. Заиф ҳадис саҳиҳ ёки ҳасан ҳадиснинг шартларидан бири ёки бир нечтаси мавжуд бўлмаган ҳадисдир.

Демак, саҳиҳ ҳадисни аниқлашда бешта шарт қўйилган:

1. Ровийнинг адолати. 2. Ровийнинг забти. 3. Санадининг узлуксиз бўлиши. 4. Ҳадиснинг шозз ва 5. Иллатдан узоқ бўлиши.

Булардан бири ёки бир нечтаси мавжуд бўлмаса, ҳадис заиф ҳисобланади. Заиф деб ҳукм қилинишига кўпроқ ровийнинг шахсияти, ҳадис санадидаги нуқсон сабаб бўлади.

Хўш, заиф ҳадисга амал қилса бўладими? Бу борада олимлар орасида ҳар даврда турлича фикрлар баён қилинган.

Хулоса ўрнида шуни айта оламизки, қарашлардаги баъзи ташвишланишларни эътиборга олган ҳолда, бизнингча, мўътадил ва маъқул кўрилган фикр шуки, заиф ҳадислар ҳеч бир ишга ярамайди, деган қаноат хатодир. Бундай хато қарашга кўпинча заиф ҳадисларнинг уйдирма ҳадислар билан аралаштирилиб юборилиши, заиф ҳадисларнинг ўзига хос мартабалари борлигини назарда тутмаслик сабаб бўлмоқда. Заифлиги қатъий бўлмаган, баъзи исбот ва далиллар билан дастакланган заиф ҳадислар эътиқод ва халол-ҳаромларни ажратувчи масалаларни истисно қилганда, бошқа барча соҳаларда ҳужжат бўлади.

УЙДИРМА ҲАДИСЛАР— УЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ САБАБЛАРИ

Бугунги кунда яна бир афсусли ҳолатлардан бири уйдирма (мавзуъ) ҳадисларни саҳиҳ ҳадислар билан адаштириб юборилаётгани ва халққа саҳиҳ ҳадис каби тақдим қилинаётганидир.

Мавзуъ ҳадиснинг илмий таърифи бундай: Ҳазрати Пайғамбарга, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, оид бўлмаган ва у зотнинг номларидан уйдирилган сўзларга «мавзуъ ҳадис» дейилади.

Ҳадис тўқишни қатъийян ман этувчи Ҳазрати Пайғамбаримизнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, сўзларига мазкур тоифалар ҳеч парво қилмаган. Ҳолбуки, Пайғамбаримизнинг, алайҳиссалом, бу борадаги муносабатлари ғоят очиқ ва қатъий.Яъни Пайғамбаримиз дейдики:

«Кимки бир сўз ёлғон эканини билатуриб менинг ҳадисим сифатида ривоят қилса, унинг ўзи ёлғончилардан биридир» (Ибн Можжа, «Муқаддима», 5-боб).

УЙДИРМА ҲАДИСЛАРГА МИСОЛЛАР

«Дунё охиратнинг экинзоридир» 1.

«Дунё бир қоя устида, қоя эса ҳўкиз устида жойлашгандир. Ҳўкиз шохини қимирлатган пайтда қоя силкинади ва ер қимирлайди, у зилзиладир».

«Кибрланганга жавобан кибрланиш садақадир».

«Олимларнинг сиёҳлари шаҳидларнинг қонидан афзалдир».

«Фосиқ (тўғрисида гапирилса) ғийбат бўлмайди».

«Озгина садақа ҳам кўп балоларни даф қилади».

«Вақт ўтмасдан олдин намозни ўқишга, ўлмасдан олдин тавба қилишга шошилинг».

«Олимнинг уйқуси ибодатдир».

«Туз сизларга кераклидир, чунки етмиш дардга даводир»; бошқа қавлда: «Ё Али, туз керакдир, чунки у етмиш дардга даводир».

«Шубҳасиз, гул пайғамбарнинг теридан яратилган».

«Овқатни пуфлаш баракани кетказади».

«Бир соат фикрлаш олтмиш йиллик ибодатдан яхшидир».

«Мен синиқ қалблар билан биргаман».

«Аллоҳ илк яратган нарса ақлдир».

«Мен ҳикмат уйиман, Али унинг эшигидир».

«Кўп гапирган кўп янглишади».

«Гўзал юзга боқиш ибодатдир».

«Қийин аҳволга тушиб қолсангиз, қабристондагилардан ёрдам сўрангиз».

«Аллоҳдан қўрқмагандан қўрқ».

«Шаҳмат ўйнаган кимса маллъундир».

«Умматимнинг олимлари Бани Исроилнинг пайғамбарлари кабидир».

«Инсонлар йўл бошловчиларнинг динидадир».

Шу жумладан, аёлларни камситувчи мазмундаги уйдирма ҳадислар ҳам халқ орасида кенг тарқалган.

«Аёллар уйнинг чироғидир, лекин уларга ўқиш ва ёзишни ўргатмангиз».

«Аёллар билан маслаҳатлашингизлар. Сўнг айтганларининг тескарисини қилинглар».»Сизлардан ҳеч ким маслаҳатлашмасдан бир иш қилмасин. Агар маслаҳатлашишга ҳеч бир кимса топмаса, биророта хотин билан маслаҳатлашсин, аммо унинг деганининг тескарисини қилсин. Чунки унинг (аёл кишининг) айтганининг зиддини қилишда барака бордир».

«Хотинга итоат пушаймонлик келтиради».

«Хотинлар бўлмасайди, эркаклар жаннатга кирарди».

«Дунё - охират» мувозанатининг бузилишига сабаб бўладиган, дунёнинг ва ҳаракатнинг зиддига тўқилган, яъни, фақирликни ёқлаб уйдирилган ҳадисларга ҳам мисол келтириб ўтмоқчимиз. Чунки бу хил «ҳадис»лар ҳам замондошларимизга салбий таъсир кўрсатиб, одамларни дунёдан, тирикчилик ҳаракатидан ва бойликдан кўнглини совутмоқда. Бу борада ҳам халқимизнинг кўзини ва фикрини очишимиз даркор.

«Фақирлик менинг фахримдир, мен у билан фахрланаман».

«Бу умматнинг энг хайрлилари фақирларидир. Энг тез жаннатга кирадиганлари заифларидир».

«Фақирлар билан бирга бир жамоат бўлинг, чунки қиёматда уларнинг давлати бўлади».

«Дунё бир лошдир, уни қўлга киритишни истаганлар эса, итлардир».

«Дунё охират одамларига ҳаром, охират дунё одамларига ҳаром, дунё билан охират эса, Аллоҳ одамларига ҳаромдир».

«Саломат узлаттдир».

«Ҳар бир уммат учун калит бор. Жаннатнинг калитлари мискин ва фақирлардадир. Улар қиёмат кунида Аллоҳ билан бирга бўладилар».

«Дунёни тарк этиш сабр иши бўлиб, Аллоҳ йўлида қилич солдиришдан ҳам оғирдир. Дунёни тарк этган кимсага Аллоҳ мутлақо шаҳид савобича савоб беради».

«Ҳар нарсанинг калити бордир. Жаннатнинг калити сабрли фақир ва мискинларни севишдир. Улар қиёмат кунида Аллоҳ билан бирга бўладилар».

«Аллоҳ дунёга дедики: «Эй дунё! Менинг волийларимга бор, аммо уларга ҳийла ва фитна солма. Менга хизмат (ибодат) этганга икром қил, сенга хизмат (итоат) этганга азият бер».

«Аллоҳ бойга бой бўлгани учун мулозамат қилган фақирни лаънатлайди ва ундай одамнинг динидан ундан бири кетади». Мазкур ҳадисни заиф деганлар ҳам, уйдирма деганлар ҳам бор.

Муборак ой, кун ва кечаларга алоқадор ҳам анча-мунча заиф ва уйдирма ҳадисларга дуч келамиз.

«Хусусан, кун ва кечалардаги намозларга доир ҳадислар, якшанба куни ва кечаси ўқилган намозлар, душанба куни ва кечаси ўқилган намозлар билан ҳафтанинг бошқа кунларига алоқадор намозларга доир ҳадисларнинг ҳаммаси ёлғондир. Шаъбоннинг ўртасидаги кечада ўқилган намозга оид ҳадислар ҳам уйдирмадир. Масалан:

«Ким шаъбоннинг ўн бешинчи кечаси минг марта Ихлос сурасини юз ракат намозда ўқиса, у кимса ўлиб дунёдан кўчмасдан аввал Аллоҳ унга тушида юз нафар фаришталарни туширади, у фаришталардан ўттизи уни жаннат билан, ўттизи жаҳаннамдан нажот топгани билан суюнчилашади. Ўттизи эса, уни хато иш қилиб қўйишидан қўриқлайди, ўн нафари унга душманлик қилувчиларга тузоқ қўяди».

«Ким ражаб ойининг илк кечаси шомдан кейин йигирма ракат намоз ўқиса... кўприкдан савол-жавобсиз ўтади».

«Ким ашуро куни рўза тутса, Аллоҳ унга 60 (олтмиш) йил ибодат қилгандек савоб ёзади».

Ейиш-ичишга алоқадор ҳам халқ тилида баъзи «ҳадис»лар юради. Қовоқ, патлижон, анор, узум, бақлажон, тарвуз, мош, гуруч ва ҳакозо емишларнинг фазилатларига оид сўзларни Ҳазрати Пайғамбарга боғлашга ҳаракат қилинади. Мисол учун, ***«Патлижон ҳар дардга даводир»** деган сўз уйдирма ҳадислар сирасига киради.*

УЙДИРМА ҲАДИСЛАРНИ ТАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Мушкулот шуки, бугун замондошларимиз ҳар эшитган ҳадисни соғлом деб қабул қиляпти, уларни манбалардан тадқиқ этиш ва сиҳҳатини аниқлаш имконига эга эмас. Чунки мавзуъот китобларини кўрмаган, қўлига етиб бормаган. Шунинг учун манбаи кўрсатилмаган ва шубҳали кўрилган ҳадислар мутлақо мавзуъот китобларидан тадқиқ этилиши керак. Мурожаат қилса бўладиган машҳур манбалар ушбулардир:

1. Мақдисий (в.507-1113): «Тазкиратул-мавзуъот».

2. Ибнал-Жавзий (в.597-1225): «Китабул-мавзуъот».

3. Умар ал-Мавсимий (в.622-1225): «Ал-Муғний анил-ҳифз вал-китаби».

4. Соғоний (в.650-1252): «Ал-Мавзуъот».

5. Суютий (в.911-1505): «Ал-Лаолиул-маснуа фил аҳодисил-савзуъа».

6. Ибн Арроқ (в.963-1556): «Танзиҳуш-шариа».

1. Уйдирма ҳадислар мисоллари олинган манбалар «Ҳидоят»да кўрсатиб ўтилган.

Фатҳиддин МАНСУР таржимаси

Олам турфа

ИБРАТ ОЛСА АРЗИЙДИ

Олов атрофида ўтириб кабобхўрлик қилишни яхши кўрадиган Молдавия пойтахтининг аҳолиси бу маишатни энди уйларидан унча узоқ бўлмаган истироҳат боғида амалга оширишлари мумкин.

Шаҳар бошқарувига қарашли ободонлаштириш бўлимининг ходимлари энди, гулхан ёқувчиларни бу боғлардан ҳайдамай, балки уларга, меҳмонларга керакли шароитни яратиб беришга ҳаракат қиладилар. Шаҳардаги ҳамма истироҳат боғларида (бундай боғлар шаҳарда 15 та) олов олдириш ва кабоб пишириш учун махсус жойлар ажратилган, уларда ўтин, кўмир жамғариб қўйилган. Бундай маишат ишқивозлари энди бемалол кабоб дейсизми, димлама дейсизми пиширишлари мумкин.

ЖОСУСЛАР НОНИ ЯРИМТА

Керакли ахборотни олиш учун жосуслар ўзларини турли кўйларга соладиган вақтлар ўтиб кетди.

Электрониканинг кашф қилиниши билан уларнинг ишлари осонлашди. Мисол тариқасида «Гуруч донаси» код номи билан яқинда ишлаб чиқилган аудиомикрафонни кўрсатиш мумкин. Бу «қўнғизча»нинг катталиги бор йўғи 75 мм, диаметри 4 мм.ни ташкил этади. Унинг бир учи телефон линиясига уланган бўлиб, иккинчи учи эшитувчи ва ёзиб олувчи аппаратга уланган бўлади. Телефон линияси «қўнғизча» учун бир йўла анкета ва ток ёқиб бериш вазифасини ҳам бажаради. Худди шунинг учун ҳам электроночиларнинг нони бутун деб ёзади «Гамбургер абендблат» немис газетаси.

ТУТУН УЧУН 5.5 МЛН. ДОЛЛАР

Майямида нашр этиладиган «Утро-ру» газетаси хабарига кўра суд америкалик стюардессанинг даъво аризасини кўриб, унинг талабини қондириш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Лини Френчнинг даъво қилишича, у учувчиларнинг хонасида нафас олиши натижасида синусий касаллигини ортирган эмиш. Лининг ўзи эса ҳеч ҳам чекмаган экан. Худди шунинг учун ҳам суд тамаки ишлаб чиқарадиган тўртта корхонанинг ҳамма-сидан стюардесса учун 5.5 млн. доллар жарима ундириб берадиган бўлди. Тамаки корхонасини адвокатларининг стюардесса орттирган синусий касаллиги, инфекция орқали юқтирилиши мумкин деган даъволари инобатга олинмади.

Навоий вилояти

ТОШКЕНТ ТАЖРИБАСИ МАЪҚУЛ БЎЛИБ

Тажриба ташаббускорларга туртки беради. Яхши тажрибаларни ўзлаштирган жамоанинг иши олдинга кетади, у тобора илгарилайди. Яқинда Навоий вилояти маҳаллалари вилоят Оқсоқоллар кенгаши раиси Ҳ.Аҳмедов ташаббуси билан Тошкент шаҳри маҳаллалари ишини кўриб келдилар.

- Биз бир неча кунлик сафардан катта таассуротлар билан қайтдик, - дейди Қизилтепа туманидаги Ғардиён қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдулла Ражабов. - Шаҳар маҳаллаларида гузарлар фаолияти катта аҳамият касб этиши бизни ҳайрон қолдирди. Ўз навбатида биз ҳам кейинги йиллардаги яхши ишларимиз ҳақида уларга сўзлаб бердик. Бир-биримиздан ўрганиб, бир-биримизга ўргатиб қайтдик...

Бу ёш оқсоқолнинг айтишича, тажриба ўрганиш маҳалла фаолларини эзгу ишларга илҳомлантирибди. Бир қанча кўрик - танловлар ўтказилди.

Маҳаллада яшовчи 40 дан зиёд қарияларнинг зиёратгоҳ масканларга саёҳати уюштирилди.

Ҳа, вилоятдаги маҳаллалар ишида кескин бурилишлар ясалаётгани ҳақиқат. Бу нарсани фақат ғардиёнликлар эмас, балки Навоий вилоятидаги барча маҳаллалар фаолиятида кузатиш мумкин.

Ҳабибулла ҲОШИМОВ, «Mahalla» мухбири.

—Қани бир тиз чўк-чи.

Маҳалла тизимининг жамиятдаги тутган ўрни, аҳамияти чуқурлашгани сайин турли йўналишда фаолият юритувчи корхона ва ташкилотларнинг жойлардаги маҳаллалар билан ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлиги ҳам кучайиб бормоқда.

Эл корига яраган одамлар

САВДОНИНГ ЙЎРИҒИ МАҲАЛЛАДАН

Шўрчи туманидаги Қўштегирмон савдо Ҳиссадорлик жамиятининг тумандаги 35 минг аҳолига хизмат қилувчи 13 та маҳалланинг ҳар бирида савдо дўконлари мавжуд. Бу дўконларнинг умумий сони 22 тага етди. Бугунги кунда Ҳиссадорлик жамиятининг тумандаги мавжуд маҳаллалар билан ҳамкорлиги туфайли маҳаллаларда истиқомат қилувчи аҳолига савдо хизмати кўрсатиш сифати анча яхшиланди. Бу тадбирларни амалга оширишда маҳаллаларнинг оқсоқоллари ҳамда Ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Ботир Ёрматовнинг яқиндан ҳамкорликда ишлаётганлари қўл келмоқда.

- Одамларимизда ҳар доим ҳам туман марказига бориб маҳсулот харид қилишга имконият, вақт бўлмайди. Шунинг учун маҳаллаларда савдо хизматини кўрсатишни яхшилаш, одамларимизнинг узоғини яқин қилиш билан баробар. Масалан, Шамоли маҳалласида Раҳматулло Абдураҳмонов, Далварзин маҳалласида Қирмиз Хуррамова, Гулистонда Зулайҳо Эрдонова, Қўштегирмонда Раҳматулло Бўриев, Шакаркўлда Иброҳим Аноровларнинг аҳолига кўрсатаётган хизматларидан эл-юрт мамнун бўлмоқда, - дея фахр билан сўзлайди Ботир Ёрматовнинг ўзи. - Қисқа муддат ичида барча савдо шахобчалари, маҳаллалар ҳудудидаги дўконлар таъмирланди. Маҳаллалар ҳудудида савдо қилувчи дўконларни кўпайтириш, таъмирлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва малакали сотувчи-кадрлар билан таъминлаш ишларида маҳалла оқсоқоллари билан бамаслаҳат иш кўрмоқдамиз.

Албатта, ҳар қандай ташкилотнинг бундай кўламдаги ишларни амалга ошириши учун аввало ана шу ташкилотнинг асосий фаолияти қизғин ва ривожланган бўлиши керак. Ҳиссадорлик жамиятининг бир ойлик товар-маблағ айланмаси ўртача 36 миллион сўмни ташкил этмоқда. Ҳар бири 450 сўмдан, умумий қиймати 5 миллион 83 минг сўмлик 7779 та акция чиқарилган эди. Бу акцияларнинг ҳар бири ўз эгасига доимий дивиденд келтирмоқда. Ҳиссадорлик жамияти фаолиятини бир маромда юргизишда Ботир Ёрматовнинг кўп йиллар тумандаги бир қатор катта ташкилот ва корхоналарда масъулиятли лавозимларида ишлаб орттирган тажрибаси ва ташкилотчилиги қўл келмоқда.

Айни дамда у Сурхондарё вилояти Кенгаши депутати ҳамдир.

Гулистон маҳалласи оқсоқоли Аҳмад Фозилов эса шундай фикр билдирди:

- Ҳозир Ботиржоннинг корхона ишидан ташқари маҳалладаги ночорларга, маҳалла тадбирларига саҳоват кўрсатаётганини кўриб, элга қайишиш фазилати унга отасидан мерос бўлса керак, деб ўйлайман. Чунки отаси раҳматли Абраҳмат Ёрматов ҳам сағирларга ғамхўрлик кўрсатишга, етимларни бошини силашга ҳамиша имкон, вақт топадиган инсон эди. Маҳалламиздаги 4 та ўқувчига Ҳиссадорлик жамияти махсус стипендия тайинлаган, 12 нафар оилага, 2 нафар ногирон, касалманд қарияга доимий моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари байрамларда маҳалла жамғармасига маблағ ҳам ўтказиб туради.

Омон ШУКУРОВ, «Mahalla» мухбири.

Оилага дарс кетди

ИСЮДГА КУЙГАН ИСЁНИМ...

Поликлиникада ишлайдиган дугонам билан зиёратга бормоқчи эдик. Эрталаб ишхонасига ўтсам ҳали келмаган экан. Коридорга қўйилган стулларнинг бирига ўтириб кута бошладим. Шу пайт иссиқ бўлишига қарамай енглари узун кўйлакда, ерга тикилганча қисиниб-қимтиниб келаётган жувон эътиборимни тортди.

Жувон қатор эшиклардан бирини журъатсизгина итарди. Шу заҳоти ичкаридан заҳаролуд жавоб бўлди: «Дўхтир яраларийиззи ўзлари кўрмоқчилар. Ҳозир йўқлар»,- шундай дея эшик жувоннинг нақ юзига қарсиллаб ёпилди. Жувон гангиганча, яъни кичрайиб эшик олдида туриб қолди. У шунчалар ғариблик билан бошини солинтириб турардики, чидолмадим. «Ким экан бу - «тили ширин» дея эшикни очмоқчи эдим жувон йўлимни тўсди: - «Кераги йўқ. У ҳеч қанақа ёмон гап гапиргани йўқ. Кейин... У менинг синглим...» Шундай дея тезгина менга қараб олди. Қоп-қора кўзлари жиққа ёш эди. Ғалати аҳволга тушдим. Коридорда шунақа туравериш ноқулай эди. Елкасидан секингина тутиб ташқарига етакладим.

- Тўғрисини айтсам - сиз ҳам мени барчага ўхшаб айбласангиз керак,- дея жавобимни кутмасдан гапира бошлади:

- Биринчи турмушимда шаҳардан қишлоққа келин бўлиб тушгандим. Ўзим шаҳарда ўсганлигимга қарамай, қишлоқнинг барча оғирликларига чидадим. Бичиш-тикишни билишим қишлоқда анча қўл келди. Мен тушган оилада барча нарса муҳайё эди-ю, лекин ҳаммасини ўрни-ўрнига қўйиб фойдаланадиган киши йўқ эди. Мен бу нарсаларга озми-кўпми чек қўйишга ҳаракат қилдим. Ҳамма нарса ўзимиздан чиқа бошлади. Лекин бу ишим қайнотамга ёқмади. (Қайнонам вафот этганлар) У кишининг фикрича, мен уларнинг рўзғорига хўжайин бўлмоқчи эканман. Икки йилдан сўнг рўзғоримизни алоҳида қилиб қўйдилар.

Эрим ким нима деса ишонарди. Опаси мендан норози бўлса, жанжал, тиккан қўйлагим ёқмаса жанжал, болам кўпроқ йиғлаб қолса жанжал, индамасанг менсимаганга чиқиб калтак ейсан, жавоб қилсанг, бетгачопарликда айбланиб, калтак ейсан. Онамга шикоят қилишга юрагим бетламасди.

Қайнотамнинг ҳовлиларида экин экиладиган ер ҳеч фойдаланмасдан бўш ётарди. Бир куни эрим билан қайнотамни кўндириб, шу ерга картошка экадиган бўлдик. Ер экишга тайёр қилиб қўйилганда тўсатдан қайнотам айниб қолдилар: «Бўш ётгани маъқул, экин экмайсанлар». Буни эшитиб қизиққон эрим тутақиб кетдилар, бир тоғора картошкани қўлимга тутқазиб: - «бор, қалаб чиқ»- деб буюрдилар. Ноилож бордим. Картошкаларни энди қадай бошлаган эдимки, нақ бошимда қайнотамнинг бор овозда бақиришларидан сесканиб тушдим: «Ҳой, қулоқларингга танбур чертдимми, бор йиғиштир ашқол-дашқолингни» - дея қўлимдаги тоғорани олиб улоқтирдилар. Тўкилган картошкаларни йиғиштириб кетаётганимда эрим келиб қолиб оталари билан икковлари ўртасида даҳанаки жанг бошланиб кетди. Бисотларидаги бор ифлос сўзлар билан бир-бирларини ҳақоратлашди. Эркаклар энди бор аламларини мендан ола бошладилар. «Бири экмайсан» деб силтаса, бири «эк» деб туртарди. Охири чидолмадим. «Ўлсам қутуламанми, охири борми бу жанжалларнинг»- дея бақирдим. «Ўлиш ҳам осон эканда худди картошка экишдай» - деб қайнотам сўкинганча нари кетдилар.

Йиғладим. Хорланиб, хўрланиб, оёғим остидаги тупроқдан ҳам қадрсизлигимга куйиб узоқ йиғладим. Кейин ўзимча ҳаммасига қўл силтаб ошхонага ўтдим. Қарасам, бурчакда керосин идиш турибди...

Ота-онам, акаларим бошимда парвона бўлишиб, ўлимдан сақлаб қолишди. Қўлларим унча ишга ярамай қолди. Тузалганимдан кейин дадам уйга олиб кетдилар. Сингилларим мени кўриб терс бурилишди. Онамга қараган эдим: «Нимани кутувдингиз, кўрсатган ҳунарингиздан кейин келиб бўйнингизга осилишсинми? Сиз орттирган тавқи-лаънат буларга ҳам осилиб турибди-да» деди жаҳл билан. Боламни бағримга босганча ҳатто йиғлолмай қолдим. Хато қилганимни, хато бўлганда ҳам оғир, тузатиб бўлмайдиган хато қилганимни англадим. Дадам ўғилчамни қўлларига олиб, бошимни силаганча, «Уйга кириб дамингни ол, ойингнинг гапларига эътибор қилма»- деб юпатдилар. Бағриларига бошимни буркаб, ўксиб-ўксиб йиғларканман шу меҳрибон, қуёшдек сертафт бағирга сингиб кетсам эди деб ўйлар эдим.

Қўни-қўшниларга тандирга ўт ёқаман деб куйиб қолдим дея тушунтирган бўлдим. Эрим мендан воз кечди. Мендақа аёлни яна хотин қилишга орияти йўл қўймас эмиш. Ота-бола бу жанжалдан кейин юзкўрмас бўлиб кетсалар керак деб ўйловдим. Улар эрталаб шунақа уришиб кечга яна оғиз-бурун ўпишадиган тоифадан эканлар. Бунақа муомалани тушунолмайман...

Дилнавоз билан узоқ гаплашдик. Қўлимдан келганча кўнглини кўтаришга ҳаракат қилдим. Онасини ҳам тушуниш кераклигини, уни ёмон кўрганидан эмас, куйганидан аччиқтизиқ гапларни сўзлашини тушунтирдим. У буни ўзи ҳам яхши тушунса керак, кўзларининг мулойим боқиб, юмшоққина кулимсираши тасдиқлаб турарди. Назаримда у анча енгил тортди. Чунки қадам ташлашлари енгил, қарашлари ҳам айбдорона эмас, қатъиятли эди.

Бир нарсага тушунолмайман. Дилнавознинг эри «орият» деганда нимани назарда тутди экан. Қоп-оқалаб бозорда юрганида орият нега эсланмади, аёллар ғийбатини пеш қилиб, чўқмордек қўллари занфасига кўтарилганида бу орият қайда эди?!

Инобат НОДИРШОҲ қизи.

ВАҚТИДА ҚИЛИНГАН ЯХШИЛИК – ЯХШИЛИКДИР! КЎР БЎЛСАЮ, СОҲИЛДА ЮРСА... БОТУЛИЗМ ҚАНДАЙ ДАРД?

2002 йил 24 июль
№ 30 (308).

Кашкадарё

Маҳаллада тадбир

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТДА НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Одамларни ва улар яшайдиган атроф-муҳитни фавқулодда вазиятлар оқибатидан муҳофаза қилиш ҳозирги даврнинг долзарб муаммоларидан бири.

Қолаверса, «Ўз уйингни, ўз ҳаётингни ўзинг асра!» деган гап бор. Демак, маҳаллаларнинг ҳар бир фуқароси сергак ва ҳушёр бўлмоғи, бу ҳақдаги барча тартиб-қоидалардан хабардор этилмоғи керак. Шу мақсадда Қарши шаҳридаги Рогузар маҳалласи аҳолисининг табиий ва техноген турдаги фавқулодда вазиятларга тайёргарлигини текшириш мақсадида ўтказилган семинар ва тактик машғулотларга вилоят «Қизил Ярим ой» жамиятининг кенгаш раиси Ф.Рўзиев, вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи, полковник Р.Холиқов, Қарши шаҳар «Қизил Ярим ой» жамияти раиси Т.Эргашев, Қарши шаҳар фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи Н.Маҳматқуловлар бош-қош бўлдилар.

Семинарда «Ер қимирлаш ва сув тошқини офатидан сақланиш» мавзусида» ўқув машғулотлари ўтказилиб, унда маҳалла фуқаролари фаол қатнашдилар.

Ғ.ОТАБОЕВ.

Яхшилар гулшани

«Саодат тухуми элга наф берур,
Гар тикон эксанг оёғингга кирур».
(Қадимий битиклардан)

Яхшилик

Инсонда яхшилик қилиш учун имкон кўп. Аллома Абулқосим Маҳмуд аз Замаҳшарий бу ҳақда: «То бошингга ўлим келмагунча ҳеч кимдан ёрдамингни аяма. Муҳтожлар ҳолидан хабар олиб тур, уларга қўли очиқлик билан эҳсон этгилким, бундан ғайрат камарила таҳсинга лойиқ нур сочувчи офтоб янглиқ яхшилик, эзгуликлар то абадга қалбингдан мустаҳкам жой олсин», - дея ўгит беради.

Ҳадисларда: «Ризқи кенг ва фаровон бўлишни, ҳаёти узоққа боришини яхши кўрадиган киши яхши жигаргўшалари - қариндошларидан ўзини узмасин, мол-дунё - мерос дея, умрнинг ўзи бебаҳо бўлганидай, вақтли, ўткинчи роҳат-фароғатни кўзлаб бир-бирининг умрига зомин бўлмасин, ёхуд бир умрга юз кўришмас бўлиб қолишга сабабчи ҳолда пушаймонда қолмасин,» дея лутф қилинганлиги ҳам бежиз эмас. Масалан, ҳар бир кишининг ўз яқинлари - қариндошларига кўрсатган ҳиммати аввало қавмига, элига билдирган ҳиммати-дир. Ҳиммат қанчалик баланд юрса, яхшилик ғалабаси ҳам шунчалик улуғроқ бўлади.

Умр йўлдошига қилинадиган яхшилик ҳам худди шундай, уни поклик ва иффатда сақламоқликка эришишдир. Оилада вафо, садоқат, мушоварат ҳукмрон бўлиши улуғ бир саодатдирки, унинг калити фақат тотувлик, иноқ-иттифоқлик, иффат-назокат, шарму ҳаёга асосланган бўлмоқлиги даркордир, дейилади яна бир ҳадисда.

Нақл қилинишича, Луқмон ҳаким ҳам ўғилларига васият қилиб шундай деган экан:

«Эй, менинг фарзанди аржумандларим! Ҳаёт йўли узун, аммо силлиқ, текис эрмас. У ўнқир-чўнқирликлардан иборатдир. Шул боис ҳамиша ҳушёр, зийракликни қўлдан бермай, оқилона тадбир ила қадам босиб зиллатга (хорлик) элтадурғон амалларидин қочинг. Ҳаётда юз бериши мумкин бўлган турли-туман қийинчиликларга дуч келиб қолиш мумкинлигини ҳам асло ёддин чиқармасликларингиз керак. Ўшандай кунларда сўзсиз дунё, бойлик эрмас, балки ўзингиз бунёд этгон яхшилик - бахтлик меҳнат ҳосилларингиз бўлмиш самимий дўстликкина сизларга асқотур!»

Яна нақл қилишларича, машҳур подшоҳ Баҳром Гўр кунлардан бир куни айланиб, шикорга чиқди. У шикорнинг айни қизғин палласида бир қулоннинг ортидан қувиб, ўз маҳрамларидан узоқлашади ва адашиб қолади. Подшоҳ шу тариқа йўл юриб дармони қурий бошлаганда бир чекка қишлоққа етиб боради. Сайёднинг ана шундай оғир машаққатли томони ҳам йўқ эмаслигини яхши ҳис этган ҳамда даштнинг танобини кўп ва хўп юриб тортган подшоҳ ғоят очиққан, емак-ичмакка муҳтож эди. У отидан тушиб бир дарахт соясига ўзини олади ва ўзининг ким эканлигини билдирмай: ***«Мен бу дам сизларга меҳмонмен, нимаики, тайёр овқатингиз бўлса, ўша билан иноят этинг, шул менга кифоядур»***, - дейди.

Қишлоқдаги бадавлат бир одам нотаниш сайёднинг оғир аҳволини кўриб турган бўлса ҳам, табиатан ўта назари пастлигидан «ўлиб кетмайдими, менга нима», дегандай унга эътибор бермайди. Бошқа бирови эса аксинча қўйлар сўйдириб, катта дошқозон осдириб, зўр зиёфатнинг тайёргарлигини кўра бошлайди. Очлик эса тобора қийнаб, ошқозон таталаб турганда мезбоннинг эртага пишадиган овқатидан не наф? Худди шу ердаги бошқа бир хонадоннинг камбағал бўлса ҳам меҳнонни ўз уйига олиб кетиб, олдига нон билан қатиқ қўяди. Тайёр овқатни егач, жони ҳузур топган ҳукмдор шоҳ мана шу ризқ билан меҳмон қилган хонадон соҳиби инсонга беҳисоб молдунё ҳадя этади, ҳалиги пасткаш бойга жуда қаттиқ танбеҳ беради. Исрофгарга эса олийҳимматликни керaксиз мол-дунё билан ўлчаб бўлмаслигини айтиб, бесамар қилган сарф-харажатларини тўлар экан: «Кимгаки, яхшилик ила олийҳиммат-лик ёр ўлубдур, ул бешак бахтиёрликка эришибдур»,- дейди. Бояги беҳиммат кимса шу тариқа эл назаридан қолибди.

Шунингдек, имон-эътиқодли, ўз маслакларига садоқатли, теварак-атрофга, турли ҳайвон ва жониворларга ҳам меҳрибон, шафқатли бўлишнинг хосияти бағоят кўпдир.

Яхши одоб-ахлоқ, самимийлик, энг муҳими, инсон деган улуғ номга ярашиғлик эзгу ва хайрли амаллар билан эл-юрт орасида ҳурмат қозонишдан савоблироқ иш йўқ дунёда. Шул боис ғайрат билан яхшилик камарини белга маҳкам боғлаган ҳолда ўзимиздан фақат яхши ном қолдиришга интилайлик!

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН

Дарддан йироқ бўлинг!

БОТУЛИЗМ

Ботулизм юқишига одатда ўзида ботулизм бактерияларини, шунингдек, микроб экзотоксинини тутган озиқ-овқатларини истеъмол қилиш сабаб бўлади.

Ботулизм таёқчаси анаэроб микроблари - яъни кислородсиз шароитда ўсадиган микроблар оиласига мансуб бўлиб, спора ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлгани учун ташқи муҳит таъсиротларига жуда ҳам чидамли, қайнатганда ҳам ўлмайди, 120 даража ҳароратда 30 дақиқада, спораси 20 фоизли формалин таъсирида 24 соатда жонсизланиши мумкин. Бу микроб токсини меъда ва ичак шираси таъсирида ўз кучини йўқотмайди ва қонга сўрилиб, организмини заҳарлайди. Ботулизм бактерияси ташқи муҳитда қуруқ шароитда, тупроқда узоқ йилларгача сақланади.

Ботулизм касаллиги асосан уй шароитида тайёрланган дудланган гўшт, сабзавот ва мева консерваларини истеъмол қилиш оқибати бўлади. Сўнги йилларда асосан уй шароитида тайёрланган бодринг, помидор, патиссон, қалампир, қўзиқорин консервалари, бақлажон икраси ва дудланган балиқ каби маҳсулотларни истеъмол қилиш касалликнинг келиб чиқишига сабаб бўлаяпти.

Ботулизм ҳолсизланиш, бош оғриш, оғиз қуриши билан бошланади. Баъзида кўнгил айнайди, бемор қусади, боши айланади ва 1-2 маротаба ичи суюқ кетади. Тўш суяги орти оғрийди, кекиради, қорни оғриб, дам бўлади. Қайт қилиш ва ич кетиши қисқа муддатли бўлиб, неврологик белгилар бошланганидан сўнг одатда йўқолади. Ич кетиши тўхтаб, қабзият юзага келади, меъдадан овқат луқмаси секин ўтади, ҳатто ўтмай қолиши мумкин. Неврологик белгилардан: кўз олдида «туман», «парда» пайдо бўлади, битта буюм кўзга иккита бўлиб кўринади, кўз соққасининг ҳаракати чекланади, қорачиқлар кенгаяди, қовоқлар икки томонлама қисилади, ютиш қийинлашади, овоз ўзгариб пасая боради ва бўғилиб қолади, оғир ҳолларда беморнинг гапига тушуниб бўлмайди.

Ботулизм билан хасталанишнинг олдини олиш учун қуйидаги оддий қоидаларга қатъий риоя қилишни тавсия этамиз:

Бозорларда аҳоли гавжум бўладиган жойларда сотилаётган номаълум шароитларда тайёрланган, сифати кафолатланмаган дудланган гўшт ва балиқ ҳамда сабзавотлар, мева консерва маҳсулотларини харид қилманг.

Озиқ-овқат дўконидан гўшт, балиқ, қўзиқорин ва сабзавот-мева ҳамда консерва маҳсулотларини харид қилишдан олдин уларнинг сақланиш муддатлари ўтиб кетмаганлигига, идишларининг бутунлигига, қопқоқларининг мустаҳкамлигига эътибор бериш, сақлаш муддати ўтган, қопқоғи ўзгарган ҳамда гигиеник ва мувофиқлик сертификати бўлмаган консерва маҳсулотларини харид қилмаслик керак.

У.ЭРГАШЕВ,
Санитария-эпидемиология врачи.



Кўзгуга қаранг

ЭҲ,

«ЭСМЕРАЛЬДА»

Шу фильмни кўрмай қолсак нима бўлади?

Бир неча йилдан буён кетма-кет намойиш этилаётган Мексика телесериаллари «кўримлилик» жиҳатдан ўзбек кино мухлислари учун ҳинд киноларини ортда қолдирди, ҳисоб. Мексикалик киноижодкорлар аксарият ўзбек аёлларининг кўнгилларига «йўл» топишди. Мана, энг сўнгги телесериал - «Эсмеральда» кунба-кун ўта қизиқиш билан кўриб борилаяпти.

Яқинда қишлоққа бордик. Эндигина тили чиққан болакайдан то саксонни қоралаган онахонларимизгача ҳаммаси шу сериални «ўтказиб» юбормасликка ҳаракат қилишади.

Кейин куннузун сериал қаҳрамонлари тақдири хусусидаги баҳслар қизийди. «Тезроқ кўзи очила қолсайди!», «Отаси Эсмеральдага кулиб қарасайди!»... Хуллас, таассуротларимиз давомида шундай хулосага келдик: бу кун телеэкранда кўплаб хонадонлар учун муҳим бўлган битта зўр кўрсатув бор, у ҳам бўлса «Эсмеральдо» сериали!

Шаҳарга келгач, ёнимиздаги бозорчадан у-бу нарса харид қилаётиб, аёлларнинг гаплари қулоғимизга чалинади. «Кеча бозорни кечроқ тамомлагандим, анча вақт автобус пойладим. Уйга кириб боргунимча, «Эсмеральда» ўтиб кетибди».

Аслида шу сериалдаги сингари воқеаларни кўп бора эшитганмиз, китобларда-фильмларда кўп бора ўқиб, кинолар кўрганмиз. Бироқ, янгиликдек қаҳаётимизга оид сериални худди ўрнига ҳам бенимизга сабаб бул қилиб, ҳатто нимаки экан-а? Савиямиз даражаси ҳаминқаларми? Йўғ-э. Унда зарур кўрсатувлар нега...Ё енгил-елпи сериаллар вақтимизни кўнгилли ўтказишга бизга асқотадими? Ёинки қаҳрамонлар эҳтиросларини, ажиб феъл-ларини бизни ўзига ром этаётганмикин? У ҳолда ўзимизнинг энг сара актёрлар ўйнаган фильмларимиз ҳам кетма-кет намойиш этилмоқда-ку! Қолаверса мексикалик актёрларнинг пойма-пой сўзлари, воқеаларнинг жўнлиги, сўз-ифода услубининг ночорлиги, ожиза қизнинг дарё соҳилида ҳам йўл топиб, ҳеч қийналмасдан юриши ёки шунга ўхшаш зўрма-зўраки ҳаракатларнинг ҳодисаларга баҳо бераётиб ўзимизча кулиб қўямиз. «Тавба, ожиза қиз ҳам шунақа юрадими?» дея энсамиз қотади баъзан. Хўш, шундай экан, «Эсмеральда»нинг оммабоп ва ҳаммабоплиги барибир бизнинг савиямиз даражасига келиб тақалмайдими, ахир?

«Дунёда нима энг қиммат? - «Вақт»

«Нима ўлчоғли?» - «Вақт», «Нима қадрли? - «Вақт»

Вақтимизни ўзимиз учун фойдали бўлган нарсаларга сарф-лашимиз керак. Яхши суҳбат, яхши китоб, яхши фильм... Ўйлаб кўрайлик, «Эсмеральда» бизга нима беряпти? Ундан биз қандай маънавий озиқ, маънавий юксалиш оламиз? «Ҳар ким ўзига маъқул фильмни кўради-да» дерсиз. Бу ҳам тўғри. Бироқ, бизнинг бугунги дунёқарашимиз, хатти-ҳаракатимиз ва илгарига босаётган ҳар қадамимиз «Эсмеральда»дан кўра мукаммалроқ, бадиий пухтароқ ва моҳият жиҳатдан юксакроқ фильмларга муносибдир.

Гулчехра ЖАМИЛОВА.

СКАНВОРД

ЖЧнинг "Е" гуруҳидаги команда
Бозор (Тошкент ш.)
Ҳарбий унвон
Ташаккур
"..." Термизий
Эгалик кўшимчаси
Физик олим
Пайғамбар
Олмош
Уй ҳайвони
...-кет
...Чағаев
Ҳасса
Билимдон аёл
Мактаб жиҳози
Тошкин
Егулик
Қурилиш жиҳози
Сабо, шабада
От маҳсулоти
Ўрмон ҳайвони
Қаҳқаҳа
"... мактублари" (ТВ)
Нота
Эркак исми
Ёғингарчилик
Ҳақиқий
ТОГ (Россия)
Бурж
Эстрада гуруҳи
ТВ (Россия)

Мусаввир хандаси

Мусаввир Ҳ.СОДИҚОВ.

Янгисидан бор...

Санаторийда.

Официант:
-Ҳурматли дам олувчилар бугун тушликда фақат чой.
Дам олувчи:
-Унда шакари ҳам бордир?
Официант:
-Балким қуруқ чой ҳам сўрарсиз?

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИЯСИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Шу кунларда бутун эътиборингизни соғлиғингизга қаратинг. Бу ишга имкон ва маблағ топиш ўзингизнинг қўлингизда, ташқаридан ёрдам кутиб ўтирмасдан, «отни қамчиланг».

СИГИР(22.04 20.05)
Бордию бирон бадфеъл кишини учратиб қолсангиз, у билан тортишиб ўтирманг. Чунки шу кунларда сизга тортишувли вазиятлардан сақланиш тавсия этилади.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Сизга бир маслаҳат: йиғилиб қолган муаммоларни ўз ҳолига ташлангу энг яқин дўстингиз билан дам олишга табиат қўйнига шошилинг, кейин хурсанд бўласиз.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Шу кунларда сизнинг кайфиятингизга энг ҳушчақчақ киши ҳам ҳавас қилса арзийди. Ана шу хушҳоллигингизни бошқаларга ҳам юқтира олсангиз яна ҳам яхши.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Бировдан қарз сўраш вазиятига дуч келишингиз мумкин. Лекин кўп қайғурманг, барча нарса каби молиявий қийинчиликлар ҳам ўткинчи ҳолатдир.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Бир пайтлар сизни жуда кўп ўйлантирган муаммонинг сабабини тасодифан билиб қоласиз. Лекин бунинг оқибатида келгуси режаларингизни ўзгартирмаганингиз маъқул.

ТАРОЗУ (23.09-22.10)
Сиз ҳозир шундай аҳволдасизки, ҳатто кўчадаги ўткинчи ҳам сизга маслаҳат бериши мумкин. Бироқ сиз ҳеч кимга қулоқ солмасдан, тажрибангиз асосида иш кўринг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Келаси чоршанбагача оилавий муаммолар ва можаролар оғушида қоласиз. Афсус чекишга ҳожат йўқ, бунинг ичида албатта кўнгилли тадбирлар ҳам бўлади.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Транспортда юрганда, ҳатто ишда ва уйда ҳам техника хавфсизлигига қаттиқ риоя этишни маслаҳат берамиз. Эҳтиёткорлик ҳамиша лозимдир, айниқса шу кунларда.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01)
Кунларингиз бир маромда ўтиши қутилмоқда. Айтарлик кишини ларзага солувчи воқеалар йўқ. Бир ҳисобда шундай бўлгани ҳам қандай соз, деб ўйласангиз, тўғри қиласиз.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Узоқ кўришмаган, жуда соғинган дўстингизни учратасиз. Бу учрашув ҳар икковингизга ҳам фойдали бўлади. Ҳамкорликни давом эттириш ҳақида эса ўйлаб кўриш керак.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Шу кунларда бир қатор тадбирлар туфайли анча-мунча чиқимдор бўлишингиз мумкин. Тўғри-да, маблағни жамғарган одам уни ишлатишнинг ҳам чорасини топиши керак-да.

MAHALLA

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Саҳифаловчи: Чарос БАКИРОВА
Навбатчи: Мавлуда ҚОСИМОВА

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
Буюртма Г-626

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Топширилди—20[30]